

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ

**А Ж Р И М И**

**№1111111111**

2026 йил март ойининг 3 кунини Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси вилоят суди ва жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг биносидан, очиқ суд мажлисида, видеоконференцалоқа режимида,

раислик қилувчи судья: З.Ибрагимов,

ҳайъат судьялари: О.Набиев ва З.Тўраевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси С.Эсонмуродовнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим прокурори Р.Холмуродов, судланувчи Э.О.У. ва унинг ҳимоячиси-адвокат И.Ахмедов, фуқаровий даъвогар Д.Н.нинг иштирокида, судланувчи Э.О.У.га оид жиноят ишлари Э.О.У.нинг апелляция шикоят асосида апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагилар

### **а н и қ л а н д и:**

жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг 2026 йил 2 февралдаги ҳукмига кўра:

**Э.О.У.** ( ) Б.т.ида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, мукаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Б.т. судининг 2017 йил 8 сентябрь кунининг ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “а” банди билан 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган;

2) жиноят ишлари бўйича Тойлоқ туман судининг 2023 йил 15 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 62-моддаси тартибида 2 йил 8 ой 29 кун муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Б.т. судининг 2024 йил 20 августдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси 6-қисмига асосан ўталмай қолган 2 йил 1 ой 6 кун озодликни чеклаш жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг 2025 йил 7 мартдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига



асосан ўталмаган 1 йил 6 ой 19 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, 2025 йил 19 август ҳолатига ўталмаган жазоси 1 йил 1 ой 11 кунни ташкил қилган, Б.т.и, Хўжамазгил маҳалласида яшаган, иш бўйича “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганга

нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан 5 йил, ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида 5 йил 2 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Судланувчи Э.О.У.дан фуқаровий даъвогар Д.Н.нинг фойдасига 38.000.000 сўм зарар ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи Э.О.У. хавфли рецидивист бўла туриб, ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2025 йил 13 августдан 14 август кунига ўтар кечаси соат 01-00 ларда Жомбой тумани, “З.Х” фермер хўжалигидаги тут дарахтлари орасига жабрланувчи Ф.К.га тегишли бўлган жами баҳоси 60.000.000 сўмлик икки бош қорамоллари боғланиб, қаровсиз турганлигидан, ён-атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, яширин равишда талон-торож қилиб, ўғирлаган қорамолларни Оқдарё туманида жойлашган Янгиқўрғон қорамол бозорида сотиб юборганлиги аниқланиб, икки бош қорамоллар тегишли тартибда расмийлаштириб олинган.

Шикоятда, айбига иқрор ва пушаймонлиги, етказилган зарарни қоплаб беришини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят судининг судьяси З.Тўраевнинг маърузасини, прокурор Р.Холмуродов, фуқаровий даъвогар Д.Н.нинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини рад қилиш ҳақидаги, судланувчи Э.О.У. ва унинг ҳимоячиси-адвокат И.Ахмедовнинг апелляция шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, шикоятни қаноатлантирмасдан, суднинг ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Судланган Э.О.У.нинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, унинг айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, биринчи инстанция судида сўралган жабрланувчи Ф.К., фуқаровий даъвогар Д.Н.нинг кўрсатувлари, шунингдек, ишдаги ариза, далилий ашёларни олиб қўйиш баённомаси, гумон қилинувчини кўрсатувларини ходиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси, пакетни очиш ва кўздан кечириш баённомаси, сўроқ баённомаси каби объектив далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган.

Биринчи инстанция суди Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 5-бандидаги, судларнинг эътибори, ЖПК 22-моддасига биноан бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат конунда назарда тутилган



тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилиши, судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари кераклиги, суд ҳукмда, суриштирув, дастлабки тергов ёки бошқа суд мажлисидаги судланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларига, тергов ҳаракатларининг баённомаларига, ЖПКнинг 443-моддасига мувофиқ, ушбу далилларга фақатгина суд мажлисида ўқиб эшиттирилган ва текширилгандагина ҳавола қилиниши мумкинлиги ҳақидаги тушунтиришларга қатъий амал қилган ҳолда жиноят ишида тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, Э.О.У.нинг жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан квалификация қилиб, қонуний ва асосли тўхтамга келган.

Шикоятдаги важлар билан келишмайди.

Чунки, апелляция инстанцияси судида иштирок этган фуқаровий даъвогар Д.Н. етказилган зарар қопланмаганлиги ҳақида маълум қилди.

Шунингдек, судланувчи Э.О.У.га етказилган зарарларни қоплаш учун дастлабки тергов ва биринчи инстанция суди томонидан етарлича муддат берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-қисмида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги;

ЖКнинг 7-моддаси 2-қисмида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

Ушбу Кодекс 8-моддаси 1-қисмида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

26-бандида, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, агарда бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса қўлланилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди томонидан судланувчи Э.О.У.га нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди



Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори тушунтиришларига, ЖКнинг 7-моддасида белгиланган “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак”лиги ҳақидаги инсонпарварлик принципига амал қилиб, унинг шахсини тавсифловчи ижтимоий ва объектив омилларни, жазосини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини ҳамда айбига иқрорлиги, муқаддам судланганлигини, фуқаровий даъвогарнинг даъвоси борлигини инобатга олиб, айбланган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, сўнгра ЖКнинг 60,61-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб қонуний, асосли ва адолатли тўхтамга келган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>26</sup>-моддасида, апелляция инстанцияси суди жиноят ишини кўриш натижаларига кўра, ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикоятини, протестини эса қаноатлантirmасдан қолдириш ваколатига эга эканлиги белгиланган.

Шунга кўра, судлов ҳайъати апелляция шикоятидаги важлар суднинг ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўла олмаслиги сабабли, суднинг ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантirmасдан қолдиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>26</sup>, 497<sup>31</sup>-моддаларини қўллаб, апелляция инстанцияси суди

#### **а ж р и м    қ и л д и:**

Жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг 2026 йил 2 февралдаги Э.О.У. ( )га нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

<b>Раислик қилувчи</b>	<b>(имзо)</b>	<b>З.Ибрагимов</b>
<b>Ҳайъат судьялари</b>	<b>(имзо)</b>	<b>О.Набиев</b>
	<b>(имзо)</b>	<b>З.Тўраев</b>
<b>“Аслига тўғри”</b>		

